# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 январь, № 20 (6455) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ








*Истиқлолнинг йигирма бешинчи довонига қадам қўйдик. Ўтган йиллар халқимиз учун азму шижоат билан юксак марралар сари дадил одимлаш даври бўлди. Шу маънода, Президентимизнинг ёш авлодга чуқур таълим-тарбия бериш, қатъий фуқаролик позициясига эга, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли, жисмонан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу мақсадлари ҳамда чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган стратегияси — "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури каби тарихий аҳамиятга эга ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши биз танлаган тараққиёт йўли тўғри ва ҳаққоний эканлигини яққол исботлади.*

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Юртбошимиз Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига касб байрами муносабати билан йўллаган табригида "...биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айни шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди", дея таъкидлаган эди. Чиндан ҳам, бугунги ҳаётимиз ана шу қарор нақадар асосли бўлганини кўрсатиб турибди.

2015 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасалари ректорларининг II конференцияси ва VI Ўзбекистон — Япония академик форумида Япония делегацияси раҳбари Кихеи Маэка юртимиздаги таълим ислоҳотлари ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деди: "Жаҳон таълим тизимида илғор тафаккурли, дея Ғарб таълим тизимига, маданиятига интилиш, ундан андоза олиш тамойили мавжуд. Бироқ Ўзбекистоннинг таълим тизими, унинг самараси, биз излаган ва интилган илғор, умуминсоний қадрият ва маданиятга йўғрилган тизим бўлиб, аксарият мамлакатларда йўқотилган ўзига хос бебаҳо инсоний қадриятлар ўзбек ёшларида сақланганини кўрдик". Бу эътироф бежиз эмас. Чунки ҳеч қайси мамлакатда шахсни шакллантириш, асраб-авайлаш, туғилиб вояга етгунигача, мустақил ҳаётга қадам қўйиб, то ўзининг ўрнини топгунигача давлат қарамоғи ва эътиборида бўлишини олиб борилаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаш тизими йўқ. Бунинг яна бир далилини 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатлардан ташриф буюрган вакилларнинг Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик экани ҳақидаги эътирофларида кўриш мумкин.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

(Давоми 4-бетда).

### ЖАРАЁН

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

# СУД ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

## инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Хусусан, ўтган йилларда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик, хўжалик ҳамда жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Натижада жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш ҳамда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатларини апелляция инстанциясида, ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция суди қарорига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилди. Жорий этилган ушбу янгилик биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ҳамда суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини учта босқичда таҳлил этиш айни муддаодир. Аввало, 1991 — 2000 йиллар давомида тизим ислоҳотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва янги одил судлов тизими яратилди. Яъни Конституциямиз ва у асосида Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва бошқа бир қатор кодекслар, шунингдек, соҳага оид қатор қонунлар қабул қилинди. Шу йўл билан суд-ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий база тўлиқ шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

### ТАДБИР

Кеча "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг "Uzbekistan airways technics" авиакорхонасида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилди. Мазкур лойиҳа МАК билан "Boeing" корпорацияси ҳамкорлигида рўёбга чиқарилди.

# Минтақада ягона марказ

Бу Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон фуқаро авиациясини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қайта жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг яна бир ёрқин самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, Миллий авиакомпания дунё авиасаноати етакчиларидан бири билан йигирма йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Пировардида бугунги кунгача мамлакатимиз авиапарки олтита "Boeing-757" ва тўққизта "Boeing-767" замонавий лайнери билан тўлдирилди. Улар хавфсизлиги, қулайлиги билан экипаж аъзолари ҳамда йўловчиларга бирдек манзур бўлаяпти.

(Давоми 2-бетда).



## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ўтказилган ҳайъат йиғилишида 2015 йил якунлари сарҳисоб қилиниб, 2016 йилги устувор вазифалар белгилаб олинди.

● **Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда 2015 йилда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.**

● Пойтахтимизда баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрнига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

● **Наманганда битирувчиларни иш билан таъминлашда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-тренинг уюштирилди.**

● "Намунали милиция таянч пунктлари" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида Арнасой тумани Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 47-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

● **Самарқанд вилоятидаги Пастдарғом педагогика ва спорт ҳамда тиббиёт коллежларида халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ғолиблари, истеъдодли ёшлар иштирокида учрашувлар ўтказилди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# «Ўзбекистон тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича пухта ўйланган сиёсатга эга»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Ҳиндистон ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари ўртасида ҳам ўз акс садосини берди.

### ЭЪТИРОФ

**Жйотсна ЧОУДХУРИ, "Ҳиндистон — МДҲ" Савдо-саноат палатаси Бош котиби:**

— Ўзбекистон раҳбарининг маърузасида мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Шуниси қувонарлики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланаётгани мамлакат танлаб олган йўлнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Мисол учун, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қарийб 7 фоиз ўсган.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, "Бизнес юритиш" халқаро рейтингида Ўзбекистон кўрсаткичлари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, мамлакат фақат бир йилнинг ўзида бу борада 16 поғонага кўтарилган. "Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" деб аталадиган мезон бўйича Ўзбекистон жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" кўрсаткичи бўйича эса Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилагани диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича пухта ўйланган сиёсати Жаҳон банки маърузасида ҳам ўз аксини топган. Унда Ўзбекистон кейинги йиллар давомида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида энг яхши натижаларга эришиб, мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми қарийб**

**7 фоиз ўсди.**

Соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, селекция ишларини яхшилаш, ғўза, бошоқли дон ва бошқа экинларнинг истиқболли навларини районлаштириш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш бўйича тизимли тадбирлар бажарилгани эвазига ана шундай муваффақиятга эришилди.

# СУД ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

## инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги босқич 2001 — 2012 йилларни ўз ичига олади. Бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг ролини янада ошириш, жиноий жазони либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш, яъни шахсни қамоққа олишга санкция бериш, айбланувчини лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳуқуқларини судларга ўтказиш, амнистия актини қўллашда суд тартибини ўрнатиш, адвокатура институтини, ижро ишини юритишни ва процессуал қонунчиликни такомиллаштириш каби бир қанча муҳим вазифалар ҳал қилинди.

2012 йилдан шу кунгача бўлган даврни қамраб олган учинчи босқичда суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштиришни давом эттириш, тизим ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш, судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар, хусусан, судьялик лавозимига танлашнинг янги механизмлари яратилди. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахслар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, қолаверса, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган даврда бу борада салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. Яъни судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиши учун узоқ муддатли ипотека кредитлари берилмоқда. Уй-жойни ижарага олганлар учун эса ҳар ойлик пул компенсацияси тўланаяпти.

Мазкур Фармонда фуқаролик ишлари бўйича судларни оптималлаштириш вазифаси ҳам назарда тутилган эди. Шундан келиб чиқиб, энг аввало, умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини ҳисобланган туманлараро, туман, шаҳар судларининг самарадорлигини янада ошириш масалалари, улар фаолиятидаги муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 4 октябрдаги "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан ушбу масала ҳал этилди. Яъни қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) судлар тузилиб, ушбу судларни тўлдириш ҳамда иш ҳажми энг кўп бўлган амалдаги туманлараро (туман) судлар ходимларининг сонини кўпайтириш учун фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг сони 71 тага оширилди. Шунингдек, иш ҳажми нисбатан камроқ бўлган судлардан 23 та судьялик лавозимини иш ҳажми кўпроқ бўлган туман судларига ўтказиш орқали жиноят ишлари бўйича судлар ходимларининг сони қайта тақсимланди.

Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Унга судьялар мустақиллиги, судларнинг ижро интизоми, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиши устидан назорат қилиш ҳамда судлар ташкилий фаолиятини, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларини такомиллаштириш, суд девонлари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш вазифалари юклатилди.

Суд амалиётини умумлаштириш бўлими негизида Ахборот-таҳлил бўлими фаолияти шакллантирилди. Ҳозирги пайтда бўлим ҳар чоракда судлар фаолиятини тизимли тарзда ўрганиб, умумий юрисдикция судларидаги судлов ишларининг аҳволи тўғрисидаги материалларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳамда Раёсати муҳокамасига киритиб келмоқда. Шуларга мос равишда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари, уларга тенглаштирилган судларда Суд амалиёти ва статистикаси таҳлил бўлимлари тузилди. Муҳими, кўрилган бундай чора-тадбирлар туфайли судлар фаолияти самарадорлиги янада ошиши баробарида, суд ишларига жалб қилинган фуқаролар учун қулайликлар яратилди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳа ислоҳотларини янги босқичга кўтарди. Бу ҳужжат бугунги кунда судьяларнинг том маънода мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини ва одил судловни амалга ошириш жараёнини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Айни чоғда судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар бирмунча кучайтирилди. Яъни фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва хўжалик судининг судьяси лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йил иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланиши мумкинлиги белгиланди.

Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳам соҳа ривожида муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, 2014 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида Меҳнат кодексига, "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида соҳани ҳар жиҳатдан етук, ўз вазифасига масъулиятли, билимли ҳамда қасамёдига содиқ, пок виждонли кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, шундай юксак фазилатларга эга мутахассис ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадни рўёбга чиқаришга қодир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги қарори билан "Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари" тасдиқланди.

Мазкур қоидалар умумий юрисдикция ва хўжалик судлари судьяларига нисбатан татбиқ этилиб, унга судьялар касбий фаолиятини амалга оширишдан ташқари, хизматдан бошқа вақтларда ҳам амал қилишлари шарт қилиб қўйилди. Эътиборлиси, илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс судьялик қасамёдини қабул қилгач, ушбу қоидаларнинг тантанали топширилиши ҳам амалиётга жорий этилди.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Зеро, ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдан иборатдир.

**Раҳимқул ТОШБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи.**

САРҲИСОБ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида республика касаба уюшма ташкилотларининг 2015 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

# Касаба уюшмаларининг долзарб вазифалари

Тадбирда ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида касаба уюшмалари иштироки таҳлил этилди. Хусусан, ҳисобот даврида касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий шерикликни кучайтириш борасида кўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида корхона, ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари сони 113 мингтадан ортди ва юридик шахсларнинг 98 фоизидан зиёди жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди. Жамоа шартномалари бажарилишини муҳокама қилиш жараёнида меҳнаткашлар томонидан илгари сурилган долзарб масалаларнинг аксарияти ижтимоий шериклик асосида ҳал этилди. Тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, давлат муассасалари, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва олий ўқув юртлари учун жамоа шартномалари намуналари ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланилиши таъминланди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам батафсил муҳокама қилинди. Шу мақсадда касаба уюшмалари томонидан 6 минг 300 дан ортиқ хўжалик субъектларида 46 мингдан зиёд иш ўринлари яратилгани ўрганилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида жамоатчилик назорати олиб борилди.

Раёсат йиғилишида ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, касаба уюшма фаоллари томонидан республика бўйича яратилган янги иш ўринлари ҳаққонийлигини ўрганиш кўламини кенгайтириш, бу борада ҳудудий бирлашмаларнинг халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Тадбирда аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш бўйича қилинган ишлар ҳақида сўз юритилди. Масалан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали фуқароларга қарийб 128,1 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Жумладан, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклиги асосида 2 минг 460 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қурилишига 48,7 миллиард сўм, бир минг 77 нафар ходимга сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 2,8 миллиард сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 3 мингдан ортиқ корхоналарда 13 минг нафардан зиёд ёш ходимларни бошқа касбга ўргатиш ва малакасини ошириш ташкил қилинди.

Йиғилишда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди. Ҳудудларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари ҳаққонийлиги юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, кексаларни эъзозлаш йўналишидаги ишларни давом эттириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида 25 тадан янги иш ўринлари яратиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали оналарнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда меҳнат муҳофазасини кучайтириш, уларни соғломлаштириш самарадорлигини ошириш ана шулар жумласидандир.

Мазкур мақсадларда жамоа шартномалари ва келишувларнинг тўлақонли бажарилиши, тизимдаги санаторийлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, санаторийларни илғор тиббий ускуналар билан таъминлаш, самарали даволаш усулларини йўлга қўйиш ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш режалаштирилган.

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича пухта ўйланган сиёсатга эга»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили Ўзбекистон иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни ўзлаштирди. Шундан 3 миллиард 300 миллион долларидан зиёди хорижий инвестициялар бўлиб, унинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

**Аман АГАРВАЛ,**
**Ҳиндистон Молия институти директори:**

— Ўзбекистон Президентининг мазкур маърузаси орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиниши таъминланишига йўналтирилган, ҳар томонлама пухта ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан мамлакатда мажмуавий ишлар олиб борилгани билан танишиш мен учун қувонарли бўлди.

2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари хусусида тўхталар экан, Ислом Каримов ишлаб чиқаришни узлуксиз равишда техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда доимий равишда ички резервларни излаб топиш, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашни асосий масалалар қаторида санаб ўтди.

Шу ўринда қайд этишни истардимки, ишлаб чиқариш қувватларини тубдан янгилаш, хорижий сармояларни жалб этиш ва илғор технологияларни қўллашга йўналтирилган мажмуавий чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги ҳамда ялпи ички маҳсулоти ўсишининг юқори суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# Минтақада ягона марказ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— "Uzbekistan airways technics" авиация корхонаси базасидаги мазкур замонавий марказ Марказий Осиё минтақасида ноёб объектдир, — дейди "Boeing — Фуқаро самолётлари" компаниясининг Яқин Шарқ, Россия ва Ўрта Осиё ҳудудларида халқаро савдолари бўйича вице-президенти М. Бентротт. — Яна шуни айтишни истардимки, мамлакатингиз Миллий авиакомпанияси МДҲда биринчи бўлиб иккита "Boeing-787 Dreamliner" харид қилиш бўйича ҳам шартнома имзолаганди. Биз МАК билан изчил ҳамкорлик қилаётганимиздан жуда хурсандмиз. Айни пайтда ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизда яна бир босқич бошлангани барчамизга қувонч бағишлайди.

Таъкидлаш жоизки, замонавий марказ барча талабга жавоб беради. Хусусан, "Boeing" корпорацияси марказни конструкция ва режалаштириш, асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича аввал тўлиқ экспертизадан ўтказди. Шундан сўнг у ерга зарур жиҳозлар ўрнатилди. Титанли эритмаларни қайта ишловчи инерт муҳитли, бириктириш печлари ва бошқа қурилмалар шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, мутахассислар учун махсус ўқув-машғулотлари ўтказилди. Жумладан, механиклар Сингапурда "Basic Composites Repair and Metal Bond" курси бўйича назарий ва амалий тайёргарликни ўтаган бўлса, муҳандислар Сиэтлда билимларини мустаҳкамлашди. Шунингдек, жорий йилда "Boeing-787 Dreamliner" самолётларининг композит материалларини таъмирлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ушбу марказ мамлакатимиз фуқаро авиациясини янада ривожлантиришда навбатдаги муҳим қадамдир. Зеро, айни пайтда авиасаноатда композит материаллардан кенг фойдаланилаётир. Масалан, "орзулар лайнери" фюзеляжининг 50 фоизи ана шундай маҳсулотдан таркиб топган. Бу эса самолёт оғирлигини сезиларли даражада камайтириш ҳисобига парвозлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Демак, янги марказ нафақат "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, балки хориж авиакомпаниялари самолётларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича катта имкониятлар яратади.

Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУРОЖААТЛАР — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларига вақтида жавоб бериш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзига хос тизим шакллантирилган бўлиб, бу борада ҳуқуқий асослар яратилган. Бинобарин, Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт экани мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу конституциявий қоидани амалга ошириш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2014 йилда ҳаётга татбиқ этилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"-ги Қонун бу борадаги ишлар самарадорлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳам мазкур йўналишда фаол иш олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 14 минг 500 дан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг аксарияти қонун талаблари асосида ижобий ҳал қилинди. Эътиборли жиҳати, сўнгги йилларда мурожаатлар сони изчил кўпайиб бораяпти. Бунга сабаб бўлаётган омиллар, соҳада амалиётга жорий қилинаётган интерактив хизматлар ҳақида вазирлик бошқарма бошлиғи Шуҳрат ШАРИПОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

ҚОНУН ВА ИЖРО

— Кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари — болалар, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, ҳар бир инсоннинг доимий даромад манбаига эга бўлиб, муносиб турмуш кечиришига кўмаклашиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу эса жамиятда ижтимоий мувозанат барқарорлигини таъминлаётир. Фуқаролар мурожаатлари мана шундай муҳим жараённинг ўзига хос кўзгусидир.

Ўтган йилда вазирлигимизга қилинган мурожаатлар сонининг ортиши бир қанча омилларга боғлиқ. Аввало, юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар самарасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти ўсди, дунёқараши ўзгарди. Бу мурожаат орқали ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша билиш, ташаббус ва таклифлари билан ижтимоий фаоллик кўрсатиш кайфиятини кучайтирмоқда.

Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун асосида мурожаатларнинг электрон шаклда амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлангани замонавий ахборот технологиялари турмуш тарзимизга жадаллик билан кириб бораётган бир пайтда айни муддао бўлди. Қонун ижроси доирасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ягона телефон рақами (call-center) орқали фуқароларга ишончли ва тўлиқ ахборот бериш хизмати йўлга қўйилди. Ўтган йили call-center орқали 8 минг 600 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Шу билан бирга, кекса ёшдаги кишилар ҳамда ногиронларга кўрсатилаётган тиббий, ижтимоий-маиший ва реабилитация хизматларидан қай даражада қониқиш ҳосил қилаётганини тўғрисида вазирлик ахборот серверига SMS-хабар йўллаш учун имконият яратилди.

Интернет тармоғида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) бугунги кунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тезкорлик билан қабул қилиш ҳамда тегишли органларга етказишда самарали воситага айланди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳам Ягона портал имкониятларидан унумли фойдаланиш, аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш, пировардида тизим фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вазирликда ўнлаб хизматлар электрон шаклга ўтказилган. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилаётгани таклифлар баён этилган мурожаатларнинг тобора кўпайишида ўз тасдиғини топмоқда.

Таҳлиллардан кўринадики, меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқи кафолатларига риоя қилиш масалалари юзасидан мурожаатлар салмоқли қисмни ташкил этаётир. Албатта, ҳар бир мурожаат назоратга олиниб, ечими топилмоқда. Чунончи, Навоий вилояти Хатирчи туманида яшовчи Д. Шарапова ҳамширалик иши мутахассислигини эгаллагани ва ўз ихтисослиги бўйича ишлаш учун ёрдам сўраб қилган мурожаати белгиланган тартибда ўрганилди. Фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди — у Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси сафига қўшилди.

Фарғона шаҳрида яшовчи С. Муратованинг сиҳатгоҳга йўлланма сўраб ёзма шаклда юборган мурожаати ҳам қонуний ҳал этилди. Давлатимиз раҳбарининг "1941—1945 йилларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу фуқарога ўз саломатлигини тиклаши учун сиҳатгоҳга йўлланма ажратилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари, вазирлик ва унинг қуйи бўғинларида махсус "Фуқароларни қабул қилиш хона"лари ташкил этилгани аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорида барқарорликни таъминлашда, болалар, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича мавжуд масалаларни ўз вақтида ечишда, бу борадаги қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурлари амалий ифодасини тўлиқ топишида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

"Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай, жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ҳам мурожаат этилганда қабулни рад қилишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган. Вазирлигимиз томонидан мурожаатлар билан ишлаш соҳасида ушбу қоидага қатъий амал қилинмоқда. Оғзаки, ёзма ва Ягона портал орқали бўлаётган мурожаатларнинг муайян қисми тегишли идоралар ва ҳокимиятларга юборилиб, фуқароларга зарур кўмак берилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий сиёсат жамият ҳаётининг муҳим соҳаси ва давлат фаолиятининг асосий йўналишидир. Мазкур соҳада изчил билан давом эттирилаётган ислоҳотлар юртимизда ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш кечиришга кўмаклашишдек олижаноб мақсадга йўналтирилган бўлиб, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун доирасидаги тизимли ишлар ҳам ана шу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фарида МАҲКАМОВА**
**ёзиб олди.**

# Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

**2015/2016 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-28-52, 230-28-20. Факс: (0-371) 230-28-15.
Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй.

## 2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

| Т/р | Таълим йўналишлари номи | Коди | Битирувчиларнинг умумий сони | Шу жумладан: Жами грант | Шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Тошкент шаҳри | | Тошкент вилояти | | Наманган вилояти | | Фарғона вилояти | | Андижон вилояти | | Жиззах вилояти | | Самарқанд вилояти | | Бухоро вилояти | | Навоий вилояти | | Сирдарё вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Хоразм вилояти | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Хорижий мамлакатлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| | **ЎзДСМИ бўйича жами битирувчилар сони** | | **317** | **97** | **220** | **34** | **61** | **10** | **39** | **8** | **16** | **6** | **11** | | **9** | **3** | **5** | **5** | **19** | **1** | **8** | **3** | **8** | **4** | **4** | **9** | **10** | **9** | **17** | **4** | **10** | **1** | **3** | | |
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | **276** | **86** | **190** | **29** | **46** | **9** | **37** | **8** | **14** | **6** | **11** | | **7** | **3** | **3** | **4** | **16** | **1** | **6** | **2** | **8** | **4** | **3** | **9** | **9** | **7** | **17** | **4** | **10** | | **3** | | |
| | ***Халқ ижодиёти факультети*** | | 98 | 28 | 70 | 4 | 8 | 2 | 13 | 2 | 4 | 2 | 2 | | 2 | 1 | 2 | 2 | 9 | | 2 | | 4 | 3 | 1 | 5 | 8 | 5 | 10 | 2 | 4 | | 1 | | |
| 1. | Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш | 5151700 | 30 | 8 | 22 | 2 | 5 | 1 | 7 | | 2 | 1 | | | | | | | 3 | | 1 | | | 2 | | | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 2. | Халқ ижодиёти (фольклор-этнографик жамоалари раҳбари) | 5151600 | 24 | 7 | 17 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 2 | 3 | | 2 | | | | |
| 3. | Халқ ижодиёти (халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари) | 5151600 | 25 | 7 | 18 | 1 | 1 | | 1 | | | | 2 | | 2 | | | 2 | 2 | | 1 | | 1 | | | 2 | 1 | 1 | 6 | 1 | 1 | | | | |
| 4. | Халқ ижодиёти (чолғу жамоалари раҳбари) | 5151600 | 19 | 6 | 13 | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | | 2 | | | | 2 | 1 | | 1 | 4 | 1 | | | | | 1 | | |
| | ***Кино, телевидение ва радио санъати факультети*** | | 90 | 33 | 57 | 15 | 20 | 6 | 16 | 3 | 1 | | 3 | | 2 | 1 | | 2 | 3 | | 2 | | 2 | 1 | 2 | 2 | | 2 | 3 | 1 | 3 | | | | |
| 1. | Театршунослик | 5150200 | 12 | 3 | 9 | 2 | 1 | | 4 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | | | | |
| 2. | Саҳна ва экран санъати драматургияси | 5150200 | 13 | 3 | 10 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | | 2 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 2 | | | | | | |
| 3. | Телевидение ва радио режиссёрлиги | 5150400 | 9 | 2 | 7 | | 2 | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | | |
| 4. | Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги | 5151400 | 5 | 2 | 3 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Кино-телеоператорлик | 5151500 | 7 | 2 | 5 | | 3 | 2 | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Касб таълими (актёрлик санъати) | 5150300 | 15 | 8 | 7 | 5 | 3 | 1 | 3 | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 7. | Касб таълими (режиссёрлик) | 5150400 | 18 | 7 | 11 | 3 | 5 | 1 | 4 | 2 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | |
| 8. | Касб таълими (чолғу жамоалари раҳбари) | 5151600 | 11 | 6 | 5 | 2 | 1 | 1 | 3 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | |
| | ***Театр санъати факультети*** | | 88 | 25 | 63 | 10 | 18 | 1 | 8 | 3 | 9 | 4 | 6 | | 3 | 1 | 1 | | 4 | 1 | 2 | 2 | 2 | | | 2 | 1 | | 4 | 1 | 3 | | 2 | | |
| 1. | Актёрлик санъати (драматик театр актёрлиги санъати) | 5150300 | 19 | 5 | 14 | 3 | 4 | | 3 | | 1 | 1 | | | | | | | 3 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | | | | |
| 2. | Актёрлик санъати (мусиқали театр актёрлиги) | 5150300 | 21 | 6 | 15 | 3 | 4 | | 1 | 1 | 3 | | 1 | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | | | |
| 3. | Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати) | 5150300 | 10 | 5 | 5 | 2 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Актёрлик санъати (қўғирчоқ театри актёрлиги санъати) | 5150300 | 16 | 5 | 11 | 1 | 2 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | 2 | 1 | | | | | |
| 5. | Режиссёрлик (эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги) | 5150400 | 13 | 4 | 9 | 1 | 3 | | 2 | | | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | | |
| 6. | Режиссёрлик (драматик театр режиссёрлиги) | 5150400 | 9 | | 9 | | 4 | | | | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | **41** | **11** | **30** | **5** | **15** | **1** | **2** | | **2** | | | | **2** | | **2** | **1** | **3** | | **2** | **1** | | | **1** | | **1** | **2** | | | | **1** | | | |
| 1. | Актёрлик санъати (мусиқали театр актёрлиги санъати) | 5А 150301 | 5 | 1 | 4 | | 2 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | |
| 2. | Актёрлик санъати (қўғирчоқ театри актёрлиги санъати) | 5А 150301 | 3 | 1 | 2 | | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Кинооператор | 5А 151501 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Маданиятшунослик | 5А 610401 | 6 | 2 | 4 | 1 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 5. | Театр санъати | 5А 150201 | 4 | 1 | 3 | 1 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Маданият ва санъат соҳаси менежменти | 5А 151701 | 10 | 2 | 8 | 1 | 3 | | 1 | | 2 | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 7. | Овоз режиссёрлиги (кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги) | 5А 151401 | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Халқ ижодиёти (ашула ва рақс) | 5А 151601 | 4 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 9. | Халқ ижодиёти (чолғу ижрочилиги) | 5А 151601 | 4 | 1 | 3 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | |

59R/24

# «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

**2016 йил 15 февраль ва 4 март кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 22 апрелдаги 14-1405/11331-сонли ижро варақасига асосан, Оқдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Оқдарё тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, Янгиқўрғон массиви, М-37 автомагистраль йўлининг 42-километрида жойлашган, ер майдони 8071,81 кв.м. бўлган АГНКС биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 174 112 792 сўм.***

Кўчмас мулк билан «Sagdiana real servis» МЧЖ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар Амир Темур бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефонлар: (0-366) 234-89-99, 239-65-88.**

Хизматлар лицензияланган.

164R/88

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Оқолтин тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2015 йил 24 августдаги 2-66ж/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оқолтин тумани, «Шодлик» ҚФЙ, Зомин маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1907,58 кв.м. бўлган 400 ўринли маданият уйи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 282 449 119 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 29 февраль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 26 февраль куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган 27 кўчмас мулкдан иборат бино-иншоотлар мулкий мажмуа сифатида бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 930 339 251 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган бино-иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 447 743 437 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат, «Файз-2003 йил» МЧЖга тегишли бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 392 968 792 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 февраль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91.**
**Расмий сайт: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

159R/02

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 1 (бир) гектар майдонга эга иссиқхона такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 778 718 232 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InfinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Лицензия: RR 0001.

161R/02

# Ҳисобот топширувчилар диққатига!

# ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**кичик бизнес субъектларига мансуб микрофирма ва кичик корхоналарни 2015 йил учун 1-КВ (йиллик) давлат статистик ҳисоботи ва тегишли иловаларини қонунчиликда белгиланган муддатларда тақдим этишлари зарурлигини эслатади.**

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча статистик ҳисоботлар электрон кўринишда тақдим этилиши лозим.

— 1-KB shakli «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2015 йил учун ҳисоботи» — кичик корхоналар ва микрофирмалар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (QM) «Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд қурилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги 2015 йил учун ҳисобот» — қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (energo) «Ёқилғи ва энергия сарфи тўғрисида 2015 йил учун ҳисобот» — асосий фаолият тури саноат бўлган кичик корхоналар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (TIF) «Экспорт-импорт тўғрисида 2015 йил учун ҳисобот» — хизматлар экспорти ва импорти ҳамда давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган товарлар экспорт-импорти билан шуғулланувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар 16 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (QX) «Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида 2015 йил учун ҳисоботи» — қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (eko) «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги микрофирма ва кичик корхонанинг 2015 йил учун ҳисоботи» — атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларга эга чиқиндилар ҳосил қиладиган кичик корхоналар ва микрофирмалар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (tib) «Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти тўғрисида 2015 йил учун ҳисобот» — аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи кичик корхона ва микрофирмалар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (tur) «Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2015 йил учун ҳисоботи» — сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи кичик корхона ва микрофирмалар 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (kom) «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2015 йил учун ҳисоботи» — оқова сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, ободонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб берувчи кичик корхона ва микрофирмалар, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг шаҳар бўлимлари 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар;

— 1-KB shakliga ilova (AKT) «Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида 2015 йил учун ҳисобот» — маълумотлар узатиш тармоғида, интернетни қўшган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар (провайдерлар, операторлар, хостинг марказлари ҳамда бошқалар) 25 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар; чет эл сармояси иштирокидаги кичик корхона ва микрофирмалар 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар.

**Барча маълумотлар www.stat.uz сайтида мавжуд. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-88-29, 230-88-09.**

168A/58

# КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

XALQ BANKI

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

**«Omad lotto» лотереяси ўйини учун 2 та лототрон қурилмаси ва унинг бутловчи қисмларини етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

**1.** Тендер комиссияси ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.

Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 120-17-49.

www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz

**2.** Тендер савдоси предмети — 2 та лототрон қурилмаси ва унинг бутловчи қисмларини етказиб бериш.

**3.** Тўлов шакли — аккредитив.

**4.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.

**5.** Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 15 февраль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

163A/120

# БАРЧА ХОНАНДАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш ҳамда 2016 йил — Соғлом она ва бола йилига бағишлаб миллий қадриятларимизга хос бўлган, миллий оҳангларга, эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғуларига йўғрилган, она-табиатни, гўзалликни, баҳор фаслининг нафосатини акс эттирган янги қўшиқларни қабул қилади.

Тақдим этилаётган қўшиқлар CD-дискда ёзилган бўлиб, матни, муаллифи, ижрочиси ҳақидаги тўлиқ маълумот билан бирга топширилади. Барча хонандалар ҳамда ҳудудий бўлинмалар орқали олинган янги қўшиқлар тўплами «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасида кўриб чиқилади ва энг яхши қўшиқлар республика миқёсида ўтказиладиган Наврўз байрами тантаналари дастурига киритилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй («Туркистон» санъат саройи), «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.**

***Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 234-52-90, 235-52-80, 234-50-99.***

165A/60

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқиловага онаси

**Мақсуда ая РАҲМОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда юртимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир. Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга харажат эмас, келажакка қўйилаётган муҳим инвестиция сифатида аҳамият қаратилмоқда. Шу маънода, 1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, соҳада амалга оширилган бошқа кенг кўламли ишлар нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги "портлаш эффекти"ни берганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

## Тасаввур ва ҳақиқат

Эътибор қилинг, бир пайтлар тасаввуримизга ҳам сиғмаган ҳолат: бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим тизими асосида билим ҳамда тарбия олиб, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиб, ҳаётда муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ҳамда рақобатдошлигини халқаро майдонларда кенг ва равшан намоён этаётир. Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан унумли фойдаланиб фан чўққиларини, хорижий тилларни, касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, она-Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, бугун бошланган эзгу ишларнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини бутун дунё эътироф этиб, тан олмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида ҳам "...амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли", дея алоҳида таъкидлаган эди.

Ҳар йили юзлаб таълим-тарбия муассасалари янгидан қурилиб, капитал таъмирланмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида соҳада 384 та объектнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил билим олишини таъминлаш мақсадида ўқув режада мустақил таълим юкламалари кўпайтирилди, мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни, метод ва воситалари уйғун равишда ишлаб чиқилди, ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Инха университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритаётгани диққатга сазовор.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим муассасалари бинолари кўринишигина эмас, балки таълимнинг мазмун-моҳиятини ҳам сифат жиҳатидан ўзгартириб юборди. Глобаллашув, ахборотлашув жараёнида ёшларимизнинг билим олишга бўлган ҳар қандай талабини қондириш йўлида жаҳон таълим тизимининг илғор анъаналари асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш ишлари бошланди. Таълимга замонавий ахборот технологиялари, илғор педагогик методлар жорий этилди. Замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Йўналишлар ҳамда мутахассисликлар соҳа ва тармоқларга мос равишда мақбуллаштирилди. Олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни илғор ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш шаклларини жорий қилиш, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш борасида янада самарали ишларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун ("Умид ниҳоллари"), касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун беллашувларни ("Баркамол авлод"), олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бу юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ҳамда спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.



Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари дадил интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга қодирлиги — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлаётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний ҳамда маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда. Юзлаб ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, танлов ва фестивалларда юқори чўққиларни забт этаётгани, уларнинг шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилаётгани ўзбек болаларининг салоҳиятини бутун дунё тан олаётганидан, эзгу ният билан экилган ниҳоллар ўз мевасини бераётганидан далолатдир.

## Таълим тизимида тадрижий босқич

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш тизими тубдан ўзгарди. Соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 мартдаги "Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, чет тили ўқитувчилари малакасини оширишнинг принципиал жиҳатдан янги самарали механизми жорий этилди.

Мустаҳкам моддий-техника базаси, турли замонавий технологиялар, лаборатория жиҳозлари мавжуд бўлганидан кейин таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш фақатгина ўқитувчи маҳорати ва малакасига боғлиқ бўлиб қолади. Айни кундаги илм-фан, ишлаб чиқаришнинг юксак тараққиёти ҳам олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига катта масъулият юклаб, доимий равишда ўз устида ишлаш, малакасини муттасил ошириб боришни талаб этмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июнда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини янги сифат босқичига кўтариб, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва педагогик салоҳиятини оширишга асос бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Чиндан ҳам, изланиш йўқ жойда ривожланишга эришиш мушкул. Ўқитувчи малакаси ёшлар ақл-заковати, камолотини белгилайди. Айниқса, муаллим ўз маҳоратини оширишдан, ўз устида ишлашдан тўхтамаслиги айни муддаодир.

## Инновация ва интеграция — юксалиш мезони

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қилади.

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари амалий тадқиқотларни жорий этиш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқариш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлашда муҳим механизмлардан бирига айланди.

Замонавий билим ва технологияларни эгаллаган, зарур лаборатория ҳамда моддий ресурслар билан таъминланган ёш олимлар, тадқиқотчилар кенг кўламли илмий изланишлар олиб бормоқда. Уларнинг янги ишланма ва лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Мамлакатимизнинг ўсиб бораётган илмий салоҳияти ва инновацион иқтисодиёти халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилмоқда. Шу боис 2015 йилда бўлиб ўтган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси доирасида илк бор ташкил этилган Тошкент халқаро инновация форуми юртимизда илмий-техника фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар самаралари эътироф этилиб, миллий иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва изчил янгилашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Бу ишлаб чиқарувчиларнинг олимларимиз ва ихтирочиларимиз томонидан яратилаётган янгиликларни харид қилишдан ғоят манфаатдор эканини кўрсатади. Аввал улар янги технологияларни, асосан, хориждан сотиб олган бўлса, эндиликда инновация ярмаркаларида иштирок этиб, мамлакатимизда яратилган ишланмаларни афзал кўришаяпти. "Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ва барқарор ривожланмоқда, — дейди халқаро эксперт Бернардо Жеффрей Моранте (Сингапур). — Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини кенгайтириш, улар ўртасида амалий ҳамкорликни кучайтириш борасидаги ишлар бунда муҳим ўрин тутмоқда. Юртингиз илм-фани ютуқлари, ёшларнинг новаторлик қобилияти диққатга сазовор".

Шу тариқа анжуманнинг хорижлик иштирокчилари мамлакатимизда иқтидорли ёшларни илмий тадқиқотларга кенг жалб этиш, уларнинг замонавий техника ва технологияларга қизиқишини кучайтириш, ижодий тафаккур ҳамда яратувчанлик салоҳиятини ривожлантириш борасидаги ишларни юксак баҳолашди. Ўзбекистонда таълим, фан ва адабиёт ҳамкорлигини кенгайтириш, инновацион ғояларни ҳаётга кенг татбиқ этишга қаратилаётган доимий эътибор жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилаётганини эътироф этишди.

## Туб бурилиш ва тарихий янгиланиш

Қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, айниқса, сўнгги йилларда таълим тизимидаги улкан ижобий натижалар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига ифтихор бағишлайди. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари шаҳдам қадам ташламоқда. Бир неча хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, бошқача айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзлари чақнаб турган навқирон ўғил-қизларни кўриб, қалбингизда ишонч, ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

Мана шулар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр кечаги кунлар ёдга тушади. Ахир, биз қарийб бир асрлик мустабид сиёсат исканжасида ўзимизнинг шонли тарихимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, мухтасар айтганда, ким эканлигимизни дунёга маълум қилишдан маҳрум эдик. Бизнинг халқимизга шу даражада хавотир билан қаралардики, чет эл олимлари билан юзма-юз бўлиб қолмаслигимиз учун барча чоралар кўриларди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борган мардона кураши бугун ўз натижасини бермоқда. Биз "мардона кураш" иборасини бежиз тилга олмадик. Чунки бизнинг тарихимиз, маънавий мулкимиз дунё эътиборида шу даражада қасддан чалкаштириб ташланган эдики, уни жой-жойига қўйиш ва эътироф эттириш узоқ, машаққатли курашни ҳамда кўкрак тутиб ҳимоя қилишдек оғир вазифани елкага олишни талаб қилар эди. Бугун мустақиллик йилларида шу йўналишда амалга оширилган ишлар кўламига назар солар эканмиз, узоқни кўзлаб, мунтазам равишда олиб борилган ишлар туфайли қадим маданиятимиз ва мустақиллик даври орасидаги камситилиш ҳамда беписандлик асри асоратларидан буткул халос бўлганимизни англаймиз.

Бу — халқимизнинг оламшумул муваффақияти! Бу — буюк бобокалонларимиз, азиз-авлиёларимизга кўрсатилаётган беқиёс эҳтиромнинг амалдаги исботи! Бу — бугунги ва эртага етишиб келадиган ёш авлод қўлига берилган мангу ҳужжат!

Президентимиз ўз чиқишларида "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий мулоҳазага алоҳида урғу берадилар. Дарҳақиқат, айни дамда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзи, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларни кузатиб, 25 йил ичида босиб ўтган йўлимиз, чиндан ҳам, ҳавас ва ҳайратга арзийди, деб бемалол айта оламиз. Айниқса, жаҳонда тараққиётнинг "ўзбек модели", деб ном қозонган ўзимизга хос ва мос йўлнинг нақадар тўғри, айни пайтда ҳаётий эканлиги амалда тўла ўз исботини топаётир. Энди шу ўринда бир саволни ўзимизга берайлик: бу замонавий бунёдкорлик ишлари, ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошдими? Ёки бирор тасодиф туфайли пайдо бўлиб қолдими? Йўқ, асло! Бунинг ортида оғир меҳнат, юрт ва халқ тақдири, келажаги ўйловида ўтказилган ҳаловатсиз кечалар, тинимсиз изланишлар, давлатимиз раҳбарининг пухта ва оқилона сиёсати турибди.

Шунинг учун ҳам ким билан суҳбатлашмайлик, бугунги тинч ва осуда ҳаёт учун шукроналик, фаровон ва обод турмушдан мамнунлик, фарзандлар тақдиридан розиликни англаймиз. Зеро, биз болам, деб яшайдиган халқмиз. Бундай ғамхўрлик Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатнинг туб мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Фарзандлар тақдирига миллат истиқболи, деб қаралаётган экан, бундай мамлакатнинг болалари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмай, шодон ва соғлом улғаяверади.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Саломатлик ва гўзаллик омили

Навқирон авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун Навоий вилоятида ҳам соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Жумладан, 2003 — 2015 йиллар мобайнида ҳудудда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 та объект янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан 86 таси қишлоқ жойларда бунёд этилди.

**БАДИИЙ ГИМНАСТИКА**

— 2016 йилга мўлжалланган манзилли дастурда ҳам вилоятимизда 5 та спорт иншоотларини қуриш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали бош мутахассиси Мадат Фармонов. — Унга кўра, шу кунгача воҳадаги тўртта мактаб қошида спорт зали, Қизилтепа туманида ёпиқ сузиш ҳавзаси бунёд этилади.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар" спорт мажмуасида нафақат вилоят ва республика, балки халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ҳам ўтказиб келинади. Масалан, бу ерда ҳар йили бадиий ҳамда спорт гимнастика турлари бўйича МДҲ ва Европа давлатлари спортчи қизлари ўртасида турнир ташкил этиш анъанага айланган. Беллашувга келган хорижлик мутахассис ва экспертлар Ўзбекистонда бадиий гимнастика жадал ривожланиб бораётганини доимо эътироф этишади.

Дарҳақиқат, спортнинг ушбу нафис тури қизларимиз жисмоний ва маънавий камолотида беқиёс ўрин тутади. Жойларда махсус лойиҳа асосида бадиий гимнастика залларининг фойдаланишга топширилгани жажжи қизалоқларимизнинг қувончига сабаб бўлмоқда.

— Қизим Карина олти ёшидан бошлаб бадиий гимнастикадан сабоқ олади, — дейди Замира Тоғаева. — Унинг изланишлари, истеъдод ва маҳорати ўн олти ёшига келиб яққол кўзга ташланди. Ҳозир фарзандим республикамиз терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби. Бунинг учун келажагимиз ворисларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. Карина юксак ғамхўрликка жавобан, келгусида юртимиз байроғини янада баланд кўтаради.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Навоий вилоятида 5 минг нафардан ортиқ қиз нафосат маликалари бўлишга астойдил интилмоқда. Шундан 1320 нафари гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидир.

— Халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафида навоийлик қизлар борлигидан фахрланамиз, — дейди вилоят гимнастика федерацияси раҳбари Баҳора Ҳамдамова. — Зарина Қурбонова, Карина Тоғаева, Нилуфар Шомуродова шулар жумласидан. Яқин келажакда вилоятимиздан етишиб чиқаётган чемпионлар сафи янада кенгайишига ишончимиз комил. Зеро, бунинг учун имкониятларимиз кўп, салоҳиятимиз эса етарли.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ИЗЛАНИШ**

"Қизириқдавмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси ишчи-мутахассислари Шеробод ва Қизириқ туманларидаги экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юмушлари билан шуғулланади.

# Ташаббус самараси

Эътиборлиси, жамоа ўтган йили Шеробод магистрал канали бўйида ҳосил бўлган табиий кўлни тартибга келтириб, 3,5 гектар ҳавзада балиқчилик хўжалигини ташкил этди.

— Бу ерга Жанубий Сурхон сув омборида кўпайтирилаётган "Оқ амур" зотли балиқ чавақларини ташлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Абдувоҳид Мирзаев. — Натижа ёмон бўлмади. Яқинда кўлда етиштирилган 30 тоннага яқин парҳезбоп маҳсулотни аҳоли дастурхонига тақдим қилдик. Эндиликда ҳавзада бошқа турдаги балиқлар парваришини ҳам йўлга қўймоқчимиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 151 134 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6